



Mahalla raisining “Obod va xavfsiz mahalla” tamoyili asosida ishlash bo'yicha funksional majburiyatlari cheklisti

Маҳалла раисининг “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамоилии асосида ишлаш бўйича функционал мажбуриятлари:

а) низоли оилалар аъзолари (умумий рўзғор асосида яшовчилар)га профилактик таъсир кўрсатиш ва уларни ижтимоий мослаштириш бўйича амалга оширадиган ишлари:

- ҳудудий профилактика инспекторининг якка тартибда ишлаш тўғрисидаги хулосаси асосида низоли оилалар аъзолари рўйхатини шакллантириш;
- низоли оилалар бўйича алоҳида йиғмажилд (хулоса, муҳокама баённомаси, кўрсатилган амалий ёрдамга оид ҳужжатлар, эришилган натижа бўйича маълумотнома) юритиш;
- низонинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларни ечимини топишга ваколати доирасида ҳар томонлама кўмаклашиш;
- низоли оилаларни турмуш тарзи ва муҳитини ўрганиб, оила аъзоларига маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлган нуронийларни бириктириш;
- низоли ҳолатдан келиб чиқиб, низоли оилалар аъзоларига ҳуқуқий,

ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам күрсатиш, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилған чора-тадбирларни

- низолашаётган томонларнинг низонинг предмети юзасидан бўлиб ўтадиган мунозараларида бевосита иштирок этиш;
- низони ҳал этиш учун бирор бир соҳа мутахассиси иштироки талаб этилса, тегишли тартибда сўровнома билан уни жалб этиш;
- низоли масалани ҳал этиш учун корхона, муассаса, ташкилотлардан бирор маълумот олиш зарурати туғилса, уни олиш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этиш;
- ҳар ойда низоли оиланинг мавжуд муаммоли масалаларини маҳалладаги “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси”да муҳокама қилиб, бартараф этиш чораларини кўриш;
- ҳар ой якунида низоли оилалар билан олиб борилган ишлар юзасидан ҳудудий профилактика инспекторига ёзма равишда маълумот тақдим этиш;
- йил якуни бўйича низоли оилалар билан олиб борилган ишларни таҳлил қиласи ва ижобий натижа эришилмагандага, белгиланган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш.

б) узоқ вақт давомида ўзаро низо ва адоватда бўлиб келаётган шахслар (қўшнилар, қариндошлар ва бошқа шахслар)га профилактик таъсир кўрсатиш ва уларни ижтимоий мослаштириш бўйича амалга оширадиган ишлари:

- ҳудудий профилактика инспекторининг якка тартибда ишлаш

тўғрисидаги хулосаси асосида узоқ вақт давомида ўзаро низо ва адоватда бўлиб келаётган шахслар рўйхатини шакллантириш;

- узоқ вақт давомида ўзаро низо ва адоватда бўлиб келаётган шахслар бўйича алоҳида йиғмажилд (хулоса, муҳокама баённомаси, кўрсатилган амалий ёрдамга оид ҳужжатлар, эришилган натижа бўйича маълумотнома) юритиш;
- низонинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади ва уларни ечимини топишга ваколати доирасида ҳар томонлама кўмаклашиш;
- узоқ вақт давомида ўзаро низо ва адоватда бўлиб келаётган шахсларнинг турмуш тарзи ва муҳитини ўрганиб, уларга маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлган нуронийларни бириктириш;
- низоли ҳолатдан келиб чиқиб, узоқ вақт давомида ўзаро низо ва адоватда бўлиб келаётган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, уларга хулқатвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тад
- низолашаётган томонларни йиғиб, низонинг предмети юзасидан муҳокама ўтказиш;
- мол-мулк, уй-жой, умумий фойдаланиш масалалари, оиласвий ажримлар борасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари бўйича судлар, ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими, давлат солиқ инспекцияси, маҳаллий ҳокимликларнинг архитектура бўлимлари ва бошқа ташкил
- ҳар ой якунида узоқ вақт давомида ўзаро низо ва адоватда бўлиб келаётган шахслар (қўшнилар, қариндошлар ва бошқа шахслар) билан олиб борилган ишлар юзасидан худудий профилактика инспекторига ёзма равишда маълумот тақдим этиш;

- йил якуни бўйича узоқ вақт давомида ўзаро низо ва адоватда бўлиб келаётган шахслар (қўшнилар, қариндошлар ва бошқа шахслар) билан олиб борилган ишларни таҳлил қиласида ижобий натижа эришилмагандага, белгиланган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш.

в) ёлғиз яшовчи қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишга кўмаклашиш бўйича амалга оширадиган ишлари:

- ҳудудий профилактика инспекторининг хулосаси ҳамда маҳаллани “хонадонбай” ишлаш натижасида олинган маълумотлар асосида ёлғиз яшовчи қариялар рўйхатини шакллантириш;
- ёлғиз яшовчи қариялар бўйича алоҳида йиғмажилд (хулоса, муҳокама баённомаси, кўрсатилган амалий ёрдамга оид ҳужжатлар, эришилган натижа бўйича маълумотнома) юритиш;
- ёлғиз яшовчи қариялар бўйича ижтимоий профилактик чора-тадбирларни белгилаш;
- ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз яшовчи қарияларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;
- ёлғиз яшовчи қариялар билан учрашаётган ҳамда мулокотга киришаётган шахсларни доимий ўрганиб бориш, шубҳали ҳолатлар бўйича профилактика инспекторини хабардор қилиш;
- ёлғиз яшовчи қарияларни пенсия маблағларини ғайриқонуний равишда талон-торож қилинишини барвақт олдини олиш чораларини кўриш ҳамда дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишига кўмаклашиш;
- ёлғиз яшовчи қарияларни мулкий характердаги нотариал

ҳаракатларни амалга оширишида иштирок этиш ва уларни алданиб қолишлигини барвақт олдини олиш;

- ёлғиз яшовчи қарияларнинг ҳолидан мунтазам равишда бевосита хабар олиб туриш;
- ҳар ой якунида узок вақт давомида ёлғиз яшовчи қариялар билан олиб борилган ишлар юзасидан ҳудудий профилактика инспекторига ёзма равишда маълумот тақдим этиш;
- йил якуни бўйича ёлғиз яшовчи қариялар билан олиб борилган ишларни таҳлил қиласи ва ижобий натижа эришилмагандага, белгиланган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш.

г) фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг урнини босувчи шахсларга профилактик таъсир кўрсатиш ва уларни ижтимоий мослаштириш бўйича амалга оширадиган ишлари:

- ҳудудий профилактика инспекторининг якка тартибда ишлаш тўғрисидаги хулосаси асосида фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг урнини босувчи шахслар рўйхатини шакллантириш;
- ушбу тоифадаги шахслар бўйича алоҳида йиғмажилд (хулоса, мухокама баённомаси, кўрсатилган амалий ёрдамга оид ҳужжатлар, эришилган натижа бўйича маълумотнома) юритиш;
- ушбу тоифадаги шахсларни турмуш тарзи ва мұхитини ўрганиб, уларга маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлган нуронийларни бириктириш;
- фарзанди тарбиясига бефарқ ота-оналарга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва

қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

- вояга етмаган болаларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатларини маҳалла жамоатчилиги ўртасида муҳокама қилади ва уларни тўғри йўлга қайтишларига ундаш;
- вояга етмаган болаларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан диний ташкилот вакилларини жалб қилган ҳолда ахлоқий ва тарбиявий сухбатлар ўтказади ва тушунтириш ишлари
- ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топширилган вояга етмаганинг яшаш шароитини бир йил мобайнида мониторинг қилиб бориш;
- оиласарда ўрганиш (кузатиш) ва профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнида назоратсиз ва қаровсиз болаларни аниқлаш, зарур чораларни кўриш учун профилактика инспекторини хабардор қилиш;
- назоратсиз ва қаровсиз вояга етмаганларнинг яшаш шароити, ижтимоий мослашуви билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳолидан мунтазам равишда бевосита хабар олиб туриш орқали бир йил давомида мониторинг қилиб боради ҳамда уларга зарур амалий ёрдам кўрсатиш;
- ҳар ой якунида фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан олиб борилган ишлар юзасидан ҳудудий профилактика инспекторига ёзма равишда маълумот тақдим этиш;

- йил якуни бўйича фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан олиб борилган ишларни таҳлил қилиш ва ижобий натижага эришилмаганда, белгиланган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш.

д) судхўрлик билан шуғулланувчи шахсларга профилактик таъсир кўрсатиш ва уларни ижтимоий мослаштириш бўйича амалга оширадиган ишлари:

- ҳудудий профилактика инспекторининг хулосаси асосида судхўрлик билан шуғулланувчи шахслар рўйхатини шакллантириш;
- судхўрлик билан шуғулланувчи шахслар бўйича алоҳида йиғмажилд (хулоса, муҳокама баённомаси, кўрсатилган амалий ёрдамга оид ҳужжатлар, эришилган натижага бўйича маълумотнома) юритиш;
- судхўрлик билан шуғулланувчи шахслар бўйича якка тартибдаги ижтимоий профилактик чора-тадбирларни белгилаш;
- қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш шарти эвазига пул олди бердиси билан шуғулланувчи шахслар ўртасида мазкур ҳаракат келгусида салбий оқибатларга олиб келиши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш;
- судхўрлик билан мунтазам равишда шуғулланувчи шахслар билан диний ташкилот вакилларини жалб қилган ҳолда сұхбатлар ўтказади ва судхўрликдан тийилиш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- ҳар ой якунида судхўрлик билан шуғулланувчи шахслар билан олиб

борилган ишлар юзасидан ҳудудий профилактика инспекторига ёзма
равишда маълумот тақдим этиш;

- йил якуни бўйича судхўрлик билан шуғулланувчи шахслар билан олиб
борилган ишларни таҳлил қилиш ва ижобий натижага эришилмагандага,
белгиланган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш.

**е) қонуний никоҳсиз яшовчи шахсларга профилактик
таъсир кўрсатиш ва уларни ижтимоий мослаштириш
бўйича амалга оширадиган ишлари:**

- ҳудудий профилактика инспекторининг хулосаси ҳамда маҳаллани
“хонадонбай” ишлаш натижасида олинган маълумотлар асосида
қонуний никоҳсиз яшовчи шахслар рўйхатини шакллантириш;
- қонуний никоҳсиз яшовчи шахслар бўйича алоҳида йиғмажилд
(хулоса, муҳокама баённомаси, кўрсатилган амалий ёрдамга оид
ҳужжатлар, эришилган натижага бўйича маълумотнома) юритиш;
- қонуний никоҳсиз яшовчи шахсларнинг оилавий шароитини ўрганиш
орқали никоҳсиз яшашининг асл сабабини аниқлаш;
- улар билан якка тартибдаги ижтимоий профилактик чора-
тадбирларни белгилаш;
- қонуний никоҳсиз яшовчи шахслар билан якка тартибда суҳбат олиб
бориб, бунинг оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий
ҳолатлар бўйича, шунингдек никоҳни қонуний жиҳатдан
расмийлаштириш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш;

- никоҳни расмийлаштириш учун монелик қилувчи ҳолатларни аниқлаш ва уни бартараф этиш чораларини кўриш;
- ҳар ой якунида қонуний никоҳсиз яшовчи шахслар билан олиб борилган ишлар юзасидан ҳудудий профилактика инспекторига ёзма равишда маълумот тақдим этиш;
- йил якуни бўйича қонуний никоҳсиз яшовчи шахслар билан олиб борилган ишларни таҳлил қилиш ва ижобий натижага эришилмагандага, белгиланган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш.

Создано с помощью онлайн сервиса Чек-лист | Эксперт: <https://checklists.expert>

как это убрать?